O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYAVAZIRLIGIDA
HISOBGA OLINDI
HISOB RAQAMI: 394
2026 - yil 31 - Mart

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI
HUZURIDAGI SANITARIYA-EPIDEMIOLOGIK OSOYISHTALIK
VA JAMOAT SALOMATLIGI QO‘MITASINING
QARORI

Биологик фаол қўшимчаларни ишлаб чиқариш корхоналарига, шунингдек биологик фаол қўшимчаларнинг ишлаб чиқарилиши, хавфсизлиги ва муомаласига доир санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларини (0110-26-сон СанҚваН) тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 14 июлдаги ПФ–111-сон “Давлат бошқаруви тизимида самарадорлик, проактивлик ва натижадорликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2025 йил 19 августдаги ПФ–137-сон “Дори воситалари ва тиббий жиҳозлар муомаласини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари ҳамда 2023 йил 2 июндаги ПҚ–181-сон “Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёнини жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси **Қарор қилади:**

1. Биологик фаол қўшимчаларни ишлаб чиқариш корхоналарига, шунингдек биологик фаол қўшимчаларнинг ишлаб чиқарилиши, хавфсизлиги ва муомаласига доир санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари (0110-26-сон СанҚваН) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачи томонидан 2016 йил 20 декабрда тасдиқланган “Биологик фаол қўшимчаларнинг ишлаб чиқарилиши ва уларнинг айланмасига қўйиладиган гигиеник талаблар” (0338-16-сон СанҚваН) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

4. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан 6 ой ўтгач кучга киради.

Rais
10-Mart 2026-yil
4 son

YUSUPALIYEV BAXODIR KAXRAMANOVICH

Kelishildi:

Vazir
26-Fevral 2026-yil

ABDURAXMONOV IBROXIM YULCHIYEVICH

Vazir
23-Fevral 2026-yil

XUDAYAROV ASILBEK ANVAROVICH

Tadbirkorlarning huquqlarini himoya qilish boʻyicha vakil
24-Yanvar 2026-yil

BURIYEV ABDUMANNOP ABDURAXMATOVICH

Rais
22-Yanvar 2026-yil

VAXABOV DAVRON ABDUJALALOVICH

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги
ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик
ва жамоат саломатлиги қўмитасининг 2026 йил
10 мартдаги 4-сон қарорига
ИЛОВА

Биологик фаол қўшимчаларни ишлаб чиқариш корхоналарига, шунингдек биологик фаол қўшимчаларнинг ишлаб чиқарилиши, хавфсизлиги ва муомаласига доир санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари (0110-26-сон СанҚваН)

Мазкур санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари (бундан буён матнда санитария қоидалари деб юритилади) биологик фаол қўшимчаларни ишлаб чиқариш корхоналарига, шунингдек биологик фаол қўшимчаларни ишлаб чиқарилишига, хавфсизлигига ва муомаласига қўйиладиган талабларни белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу санитария қоидаларида қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

овқатга қўшиладиган биологик фаол қўшимчалар (бундан буён матнда БФҚ деб юритилади) – озиқ-овқат хомашёсини қайта ишлаш йўли билан ёки сунъий усулда ҳосил қилинган ҳамда бевосита овқат билан бирга истеъмол қилишга ёки озиқ-овқат маҳсулотлари таркибига қўшишга мўлжалланган табиий ёхуд табиийга айнан ўхшайдиган биологик фаол моддаларнинг концентратлари;

ваколатли орган – Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси;

ингредиент – БФҚ ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ҳар қандай табиий, қайта ишланган ёки сунъий моддалар;

нутриентлар – витаминлар, минераллар, аминокислоталар, ёғлар ва бошқа озуқавий моддалар;

пробиотик – илмий жиҳатдан асосланган ҳамда истеъмол қилинганда инсон саломатлигига ижобий таъсир кўрсатадиган, хавфсиз таксономик бирликларнинг халқаро рўйхатларига киритилган тирик микроорганизмлар;

нутриентларнинг референс қийматлари (бундан буён матнда НРҚ деб юритилади) – соғлом аҳолининг умумий гуруҳлари учун озиқ-овқат маҳсулотларини тамғалашда қўлланиладиган, энергия ва озуқа моддаларининг кунлик ўртача эҳтиёжини ифодаловчи илмий жиҳатдан асосланган миқдорий кўрсаткичлар;

рухсат этилган юқори истеъмол даражаси (**бундан буён матнда UL деб юритилади**) – барча манбалардан, шу жумладан озиқ-овқат маҳсулотлари ва БФҚ орқали инсон организмига тушадиган, узоқ муддат истеъмол қилинганда инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатмайдиган БФҚнинг энг юқори кунлик истеъмол даражаси.

2. БФҚнинг сифати, хавфсизлиги ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида сифатсиз ёки қалбаки ҳамда ваколатли органдан рўйхатдан ўтказилмаган БФҚларни ишлаб чиқариш, импорт қилиш, сақлаш, реализация қилиш ҳамда реклама қилишга йўл қўйилмайди.

3. БФҚларни ишлаб чиқарувчи бизнес операторлар “Хатарлар таҳлили ва критик назорат нуқталари тизими тамойилларига асосланган доимий тартиб-қоидаларни ишлаб чиқиш, жорий этиш ва қўллашга доир санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари” 0108-26-сон СанҚваН (ҳисоб рақами 389, 2026 йил 7 март) талабларига мувофиқ тартиб-қоидаларни ишлаб чиқиши, жорий этиши ва қўллаши (қўлланиладиган технологиялар, хомашё, ускуналар, ишлаб чиқариш жараёнлари ва маҳсулот хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда) лозим.

2-боб. БФҚни ишлаб чиқариш корхоналарининг жойлашуви ва ҳудудига қўйиладиган талаблар

4. БФҚни ишлаб чиқариш корхоналари қуйидаги ҳудудларга жойлаштирилмаслиги керак:

саноат ишлаб чиқариш корхоналарининг ҳудудларида ва экологик жиҳатдан ифлосланган ҳудудларда;

сув тошқини хавфи мавжуд бўлган ҳудудларда;

зараркунандалар тарқалишига мойил бўлган ҳудудларда;

қаттиқ ва суюқ чиқиндилар тўпланган ҳудудларда.

5. БФҚни ишлаб чиқариш корхоналарининг санитария-ҳимоя минтақаси “Санитария-муҳофаза зонасига доир санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари”га (0103-25-сон СанҚваН) (ҳисоб рақами 373, 2025 йил 29 сентябрь) мувофиқ бўлиши лозим.

6. Хавф-хатарларнинг олдини олиш мақсадида БФҚни ишлаб чиқариш корхоналарининг ҳудуди алоҳидалаштирилган бўлиши керак.

БФҚни ишлаб чиқариш корхоналари ҳудуди ва унга туташ ҳудудларда ходимлар, пиёдалар ҳамда автотранспорт воситалари ҳаракати учун мўлжалланган йўллар (йўлаклар) қаттиқ қопламали бўлиши ва тоза ҳолатда сақланиши лозим.

БФҚни ишлаб чиқариш корхоналари ёғингарчилик сувларининг ўз оқими билан чиқиб кетишини таъминлайдиган нишабликка эга бўлиши, шунингдек ишлаб чиқариш ҳудудига сув киришидан ҳимояланган бўлиши керак.

7. Эпидемиологик хавфсизликни таъминлаш мақсадида БФҚни ишлаб чиқариш корхоналари ҳудуди қуйидагиларга бўлиниши лозим:

ишлаб чиқариш ҳудуди;

коммунал-хўжалик ҳудуди;

дезинфекция, дезинсекция ва дератизация ўтказиш учун алоҳида белгиланган идишлар билан жиҳозланган омборхоналар ҳудуди.

санитария муҳофазасига эга бўлган сув таъминоти манбалари жойлашган ҳудуди.

8. БФҚни ишлаб чиқариш корхоналарининг оқова сув иншоотлари ва ишлаб чиқариш бинолари оралиғида санитария муҳофаза зонасига риоя қилиниши зарур.

9. БФҚни ишлаб чиқариш корхоналари ҳудудида бинолар ва иншоотларни жойлаштиришда хавф-хатарларнинг олдини олиш мақсадида хомашё ва тайёр БФҚ маҳсулотларининг ҳаракат йўналишлари ўзаро кесишишига йўл қўйилмайди.

10. БФҚни ишлаб чиқариш корхоналари ҳудудидаги ишлаб чиқариш, ёрдамчи ва маиший биноларнинг кириш эшиклари олдида қопқоғи зич ёпиладиган, педаль орқали очиладиган қаттиқ маиший чиқиндилар учун мўлжалланган чиқинди қутилари ўрнатилиши лозим.

Мазкур чиқинди қутилари ҳажмининг ярми тўлганда бўшатилиши ва чиқиндилардан тозаланиши керак.

Кириш эшиклари олдига оёқ кийимларни тозалаш учун мўлжалланган ускуналар бўлиши лозим.

11. Махсус идишлар (тара), қурилиш материаллари ва хўжалик буюмлари омборхоналарда сақланиши лозим.

Идишлар ерга бевосита қўйилмасдан, стеллажлар ёки тагликларда (поддон) жойлаштирилиши керак.

Идишларни усти ёпиқ бўлган, асфальт ёки бошқа қаттиқ қопламали майдонларда вақтинча сақлашга йўл қўйилади.

12. Хавф-хатарларнинг олдини олиш мақсадида БФҚни ишлаб чиқариш корхоналари ҳудуди олдида ишлаб чиқариш узлуксизлигини ҳисобга олган ҳолда хомашёни олиб келувчи ҳамда тайёр маҳсулотларни олиб кетувчи автотранспорт воситалари учун алоҳида санитария ишлов бериш майдони бўлиши керак.

13. БФҚни ишлаб чиқариш корхоналари биноларининг тузилиши ва жойлашуви ускуналарга техник хизмат кўрсатиш, уларни тозалаш ҳамда таъмирлаш ишларини амалга ошириш имконини таъминлаши лозим.

3-боб. БФҚни ишлаб чиқариш корхоналарининг сув таъминоти ва оқова сув тармоғига қўйиладиган талаблар

14. БФҚни ишлаб чиқариш корхоналарини ичимлик суви билан таъминлаш O‘zMSt 134:2024 “Марказлаштирилган хўжалик-ичимлик суви билан таъминлаш манбалари. Гигиеник, техникавий талаблар ва танлаш қоидалари”га мувофиқ марказлаштирилган сув таъминоти тизимига уланиш йўли билан амалга оширилиши керак.

Марказлаштирилган сув таъминоти тизими мавжуд бўлмаганда, ички сув таъминоти тизими артезиан қудуғидан, бошқа сув қудуқларидан ёки каптажлардан фойдаланиш орқали ташкил этилиши мумкин. Бунда ичимлик сувининг сифат кўрсаткичлари O‘zMSt 133:2024 “Ичимлик суви. Гигиеник талаблар ва сифатини назорат қилиш” талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

15. Ичимлик суви таъминоти тармоқлари техник (ичиш учун мўлжалланмаган) сув таъминоти тармоқлари билан кесишмаслиги, шунингдек улар бир-биридан фарқланадиган рангларда белгиланган бўлиши керак.

Мазкур сув таъминоти тизимларининг сув олиш нуқталарига тегишлича “Ичимлик суви” ва “Техник сув” деган ёзувлар қўйилиши зарур.

16. БФҚни ишлаб чиқариш корхоналарининг сув таъминоти тизими ҳар бир таъмирлаш ишларидан кейин унга сув бериш бошланишидан олдин ювилиши ва рухсат этилган зарарсизлантирувчи воситалар ёрдамида ишлов берилиши лозим.

Эпидемиологик жиҳатдан энг хавфли нуқталарда (сувда, сув сақлаш учун мўлжалланган катта ҳажмли идишларда, ишлаб чиқариш хоналарида, ювиш хоналарида) лаборатория тадқиқотлари ўтказилиши керак.

17. Хавф-хатарларнинг олдини олиш мақсадида лаборатория тадқиқотлари учун намуналар олиш вақтида сувнинг полда тўпланиб қолишига йўл қўйилмайди.

Бунда сувнинг эркин оқиб кетиши учун траплар (оқова сувларни йиғиш ва дренаж тизимига тўкиш учун полга ўрнатилган санитар-техник ускуна) қия ҳолатда бўлиши лозим.

18. БФҚни ишлаб чиқариш технологиясида, ишлаб чиқариш жиҳозлари ҳамда хоналарига санитария ишлов беришда марказий иситиш тизими сувидан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

19. Ишлаб чиқариш технологиясида қўлланиладиган буғ таркибида инсон саломатлиги учун хавф туғдирувчи ёки БФҚ маҳсулотларининг ифлосланишига олиб келиши мумкин бўлган моддалар бўлмаслиги лозим.

20. Дренаж каналларини лойиҳалаштиришда чиқинди ва оқова сувларнинг ифлосланган ҳудуддан тоза ҳудудга, шу жумладан хомашё ва тайёр маҳсулотлар жойлашган ҳудудларга оқиб ўтишига йўл қўйилмаслиги таъминланиши керак.

21. БФҚни ишлаб чиқариш корхоналаридаги оқова сув тизимининг зиналари, ариқлари (лоток) ва осма қувурларини доимий иш жойлари ҳамда жиҳозлар устида жойлаштирилишига йўл қўйилмайди.

22. Хавф-хатарларнинг олдини олиш мақсадида маиший оқова сув қувурларини БФҚни ишлаб чиқариш корхоналарининг хомашёни қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотни сақлаш хоналари орқали ўтказилишига йўл қўйилмайди.

23. Оқова сув тармоғи мавжуд бўлган БФҚни ишлаб чиқариш корхоналарининг оқова сувларни чиқариб юбориш тизимлари ШНҚ 2.04.01-22 “Биноларнинг ички сув таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш” (ҳисоб рақами 299, 2024 йил 2 октябрь) ҳамда ҚМҚ 2.04.03-19 “Канализация. Ташқи тармоқлар ва иншоотлар” талабларига мувофиқ ташқи оқова сув тармоқларига уланган бўлиши зарур.

24. БФҚни ишлаб чиқариш корхоналарида оқова сувларни чиқариб юбориш тизими мавжуд бўлмаганда, ҳосил бўладиган оқова сувлар атроф-муҳитга зарар етказилишининг олдини олиш мақсадида махсус ажратилган септик ўраларда йиғилиши, тўпланиши ва зарарсизлантирилганидан кейин махсус автотранспортларда ташилиши лозим.

25. БФҚни ишлаб чиқариш корхоналарининг хўжалик-маиший, ишлаб чиқариш ва ёмғир оқова сувлари умумий оқова сувларни чиқариб юбориш тизимларига фақат тозаланган ҳолда чиқарилишига йўл қўйилади.

Саноат ва маиший оқова сувларни тозалаш ва зарарсизлантириш чоралари кўрилмасдан умумий оқова сувларни чиқариб юбориш тизимларига чиқаришга йўл қўйилмайди.

26. БФҚни ишлаб чиқариш корхоналарининг қўл ювиш учун иссиқ ва совуқ сув билан таъминланган қўл ювгичлари суюқ совун, қўлларни дезинфекция қилиш воситалари, бир марталик қоғоз сочиқлар ёки қўл қуритиш ускуналари билан жиҳозланган бўлиши керак.

4-боб. БФҚни ишлаб чиқариш корхоналарининг шамоллатиш тизими (вентиляция), иситиш ва ёритилишига қўйиладиган талаблар

27. БФҚни ишлаб чиқариш корхоналари ШНҚ 2.01.05-24 “Табиий ва сунъий ёритиш” (ҳисоб рақами 309, 2024 йил 25 октябрь) талабларига мувофиқ табиий ва сунъий ёритилиши керак.

28. Махсус технологик жараёнлар (вакуум остида ёки модификацияланган газ муҳитида қадоқлаш) амалга ошириладиган БФҚни ишлаб чиқариш корхоналарининг ишлаб чиқариш бинолари ҳаво муҳитидаги микробиологик ифлосланишнинг олдини олиш ва уни қабул қилинадиган даражагача камайтиришни таъминловчи шамоллатиш (вентиляция), ҳавони тозалаш ҳамда зарарсизлантириш тизимлари билан жиҳозланган бўлиши керак.

29. Ишлаб чиқариш жараёнининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ёритиш ускуналари ҳимояланмаган жиҳозлар устига жойлаштирилишига йўл қўйилмайди.

30. БФҚни ишлаб чиқариш корхоналарида хомашёларни сақлаш, ишлаб чиқариш, идиш ва қадоқ воситаларини тайёрлаш ҳамда тайёр маҳсулотларни сақлаш ва реализация қилиш биноларнинг сунъий ёритиш тизимлари шиша ёки бошқа мўрт материаллар синиши натижасида маҳсулотга тушиши мумкин бўлган қисмларнинг олдини олувчи конструкциялардан (ҳимоя плафонлари, синмайдиган ёритгичлар ёки бошқа самарали воситалар) фойдаланилиши лозим.

Ёритиш ускуналари ҳар чоракда камида бир марта тозаланиши керак.

31. Ёруғлик тушиш тирқишларини БФҚни ишлаб чиқариш корхоналари биноларининг ички ва ташқи томонидан тўсилишига йўл қўйилмайди.

32. БФҚни ишлаб чиқариш корхоналарининг ишлаб чиқариш, ёрдамчи ва маиший биноларнинг микроиқлим кўрсаткичлари “Ишлаб чиқариш хоналари микроиқлимининг санитария-гигиена нормативлари”га 0324-16-сон СанҚваН мувофиқ бўлиши зарур.

33. БФҚни ишлаб чиқариш корхоналарининг биноларини иситиш учун чангдан осон тозаланадиган конструкцияга эга иситиш ускуналари ўрнатилиши лозим.

34. Ходимлар иш вақтининг ярмидан ортиқ қисмини ёрдамчи БФҚни ишлаб чиқариш корхоналарининг биноларида ўтказганда, ушбу биноларнинг иситиш тизими чангдан осон тозаланадиган конструкцияли иситиш тизими билан жиҳозланган бўлиши керак.

35. БФҚни ишлаб чиқариш корхоналарининг ишлаб чиқариш, ёрдамчи ва маиший бинолари ишлаб чиқариш жараёни хусусиятига мос ҳамда ҳаводаги ифлосланиш, ортиқча намлик, буғ, чанг ва ҳидларни бартараф этишни таъминловчи табиий ва (ёки) механик шамоллатиш (вентиляция) тизимлари билан жиҳозланган бўлиши, бунда ҳаво оқими ифлосланган ҳудуддан тоза ҳудудга йўналишига йўл қўйилмаслиги лозим.

36. Шамоллатиш тизимлари (вентиляция) осон тозаланадиган конструкцияга эга бўлиши керак.

37. Лабораториялар, ювиш хоналари, маиший хоналар ва ҳожатхоналар мустақил умумалмашув ва маҳаллий шамоллатиш (вентиляция) тизимлари ёки кондиционерлаш тизимлари билан жиҳозланган бўлиши керак.

38. Шамоллатиш (вентиляция) тизимининг ҳаво каналлари ички юзаси ифлосланиш даражасига кўра тозаланиши лозим.

39. Иссиқлик, намлик, чанг ва зарарли моддалар ажратувчи жиҳозлар маҳаллий тортувчи шамоллатиш (вентиляция) тизими ва тозалаш тизимлари билан жиҳозланган бўлиши керак.

40. Шамоллатиш (вентиляция) тизими фильтрлари бўшлиқларсиз, герметик равишда ўрнатилиши ва филтрланмаган ҳавонинг киришига йўл қўймаслиги лозим.

41. Шамоллатиш (вентиляция) тизимининг ташқи қурилмалари ифлосланиш манбалари (қозонхона, чиқинди жойлари) яқинида жойлаштирилишига йўл қўйилмайди.

42. Шамоллатиш тизими (вентиляция) қурилмаларидан фойдаланишда юзага келадиган шовқин ва тебранишлар “Иш жойларида рухсат этилган шовқин даражаси бўйича санитария меъёрлари” 0325-16-сон СанҚваН ҳамда “Иш жойларида умумий ва маҳаллий тебраниш бўйича санитария меъёрлари” 0326-16-сон СанҚваН талабларига мувофиқ бўлиши керак.

5-боб. БФҚни ишлаб чиқариш корхоналарининг хоналарига қўйиладиган талаблар

43. Хавф-хатарларнинг олдини олиш мақсадида БФҚни ишлаб чиқариш корхоналарининг барча бинолари ва хоналарида уларнинг функционал вазифасига мувофиқ номланиши ёки қандай мақсадга мўлжалланганлигини кўрсатувчи кўрсаткичлар (белгилар) ўрнатилган бўлиши лозим.

44. Ишлаб чиқариш, омборхона ва санитария-маиший зоналар бўйича бизнес оператор томонидан тозалаш ва дезинфекция қилиш бўйича дастурлар, режалар ва жадваллар ишлаб чиқилиши ҳамда тасдиқланиши керак.

Ушбу ҳужжатларда тозалаш даврийлиги, усуллари, қўлланиладиган ювиш ва дезинфекция воситалари, уларнинг концентрацияси, қўллаш тартиби ҳамда масъул шахслар кўрсатилиши лозим.

45. Бизнес операторлар кемирувчилар, ҳашаротлар, қушлар ва бошқа зараркунандаларга қарши курашиш бўйича масъул шахслар, назорат объектлари, қўлланиладиган усуллар ва тадбирларнинг даврийлиги белгиланган дастурни ишлаб чиқиши ҳамда жорий этиши зарур.

Пест-назорат натижалари тегишли журналлар ва схемаларда тузоқлар ҳамда назорат нуқталарининг жойлашуви, текширув санаси, аниқланган ҳолатлар ва кўрилган чора-тадбирлар кўрсатилган ҳолда қайд этилиши лозим.

46. Хавф-хатарларнинг олдини олиш мақсадида БФҚни ишлаб чиқариш биноларига кириш жойларида пойабзални лойдан тозалаш учун куракча, панжара ёки металл тўрлар ўрнатилиши, бино ичидаги ишлаб чиқариш цехлари ва маиший хоналарга киришда тамбурлар назарда тутилган бўлиши ҳамда уларга дезинфекцияловчи гиламчалар тўшалиши керак.

47. Хавф-хатарларни баҳолаш мақсадида БФҚ маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан боғлиқ ишлаб чиқариш, ёрдамчи бинолар ва омборлар ҳарорат ҳамда нисбий намликни назорат қилиш учун калибрланган назорат-ўлчов воситалари билан жиҳозланган бўлиши керак.

Назорат-ўлчов воситалари хонанинг пол сатҳидан тахминан 1,5–1,7 m баландликда ва иссиқлик, совутиш, ҳаво кириши ёки тўғридан-тўғри ташқи таъсир манбаларидан четроқ жойлаштирилиши лозим.

48. БФҚни ишлаб чиқариш корхоналари биноларининг поллари:

соз ҳолда сақланиши;

ишлаб чиқариш технологиясига конструктив мос келадиган, санитария ишлов бериш ва дезинфекция қилиш учун қулай, намга чидамли, абсорбцияланмайдиган, ювилувчи ва заҳарли бўлмаган материаллардан бўлиши;

траплар (оқава сувларни йиғиш ва дренаж тизимига тўкиш учун полга ўрнатилган санитар-техник ускуна) қия ҳолатда бўлиши лозим.

49. БФҚни ишлаб чиқариш корхоналари биноларининг деворлари силлиқ юзага эга, сув ўтказмайдиган, намликни сингдирмайдиган, ювиладиган, санитария ишловларини ўтказиш учун қулай, заҳарли бўлмаган материаллардан тайёрланган хомашё ва тайёр маҳсулотларни ифлосланиш хавфини келтириб чиқармайдиган бўлиши керак.

50. Шифтлар, улар мавжуд бўлмаганда эса томнинг ички юзаси тоза ҳолатда сақланиши лозим.

Шифтларда, деворларда ва жиҳозларда моғор пайдо бўлишига йўл қўйилмайди.

51. Ҳашаротлардан ҳимоя қилиш учун деразалар осон тозаланадиган тўрлар билан жиҳозланиши лозим.

52. Қўшимча хомашё ва таркибий қисмлардан фойдаланилганда БФҚни ишлаб чиқариш корхоналарининг бинолари ШНҚ 2.09.02-23 “Корхоналарнинг ишлаб чиқариш ҳамда маъмурий-маиший бино ва иншоотлари. Лойиҳалаш талаблари” шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига (ҳисоб рақами 301, 2024 йил 2 октябрь) мувофиқ жиҳозланган бўлиши керак.

53. БФҚни ишлаб чиқариш корхоналарининг эшиклари мустаҳкам, зич ва ўзи ёпиладиган бўлиши лозим.

Эшиклар сув ўтказмайдиган, осон ювиладиган ва дезинфекцияланадиган, заҳарли бўлмаган материаллардан ишланган бўлиши зарур.

Эшиклар ишлаб чиқариш биноларидан ташқарига очилиши керак.

54. БФҚга тегиб турадиган юзалар соз ҳолатда осон ювилувчи, дезинфекцияланувчи, занглашга чидамли, силлиқ, заҳарли бўлмаган материаллардан тайёрланган бўлиши керак.

55. Болалар учун мўлжалланган БФҚларни ишлаб чиқариш махсус бинода ёки цехларда, махсус технологик линияларда амалга оширилиши лозим.

56. Турли мақсадларга мўлжалланган тозалаш инвентарлари алоҳида, вазифаси белгиланган, бошқа инвентардан ранглар бўйича ажратилган бўлиши ва алоҳида хоналарда ёки махсус ажратилган жойларда сақланиши керак.

57. БФҚни ишлаб чиқариш корхоналарида йиғиштириш ишлари тугагандан сўнг барча тозалаш инвентарларни қўллашга рухсат этилган ювиш воситалари қўшилган сувда ювиш ва дезинфекция воситалари билан ишлов бериш зарур.

58. Дезинфекция, ювиш ва тозалаш воситаларини хомашё ва тайёр маҳсулотлар билан биргаликда сақлашга йўл қўйилмайди.

59. Хомашё ва тайёр маҳсулотларнинг ифлосланиш эҳтимоли юқори бўлган жойда технологик жараёнларининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқариш майдонларига кириш санитария-назорат пункти орқали амалга оширилиши лозим.

60. Ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қатнашадиган ходимлар учун қуйидаги маиший хоналар бўлиши керак:

устки ва уй кийими, махсус иш кийими, санитария кийими ва пойабзал учун кийим сақлаш хонаси;

тоза ва ифлос санитария кийимлар учун алоҳида жавонлар (шкафлар);

душхоналар, ҳожатхона, аёллар шахсий гигиенаси учун хоналар ёки душли махсус кабина;

қўл ювиш учун раковинали ювиниш хонаси;

тиббиёт хонаси;

тозалаш инвентарини сақлаш ва санитар ишлов бериш хонаси бўлиши керак.

61. Кўп сонли сменада ишлайдиган аёллар сони 15 кишидан ортиқ бўлганда аёллар учун душ ва ҳожатхона, аёллар шахсий гигиена хонаси бўлиши лозим.

Ишчи аёллар сони 15 кишидан камроқ бўлса, аёллар ҳожатхонасида тамбурдан кириладиган душли кабина кўзда тутилиши керак.

Душхоналардаги душ кабиналари учта томондан тўсилган ҳамда кабиналар орасида очиқ ўтиш жойи мавжуд бўлиши керак.

62. Душхоналар резинали ёки пластик гиламчалар ва гигиеник воситалар учун токчалар билан жиҳозланган бўлиши керак.

Душхоналарда ёғоч тагликлар ва панжаралардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

63. Ювиниш хоналари санитария кийимларини сақлаш хоналари билан ёнма-ён жойлашиши керак.

Қўл ювиш учун гуруҳли раковиналар корхонанинг энг кўп сонли сменасидаги ходимларнинг сонидан келиб чиқиб ўрнатилади.

64. Ҳожатхоналар, душлар, аёллар шахсий гигиена ва ювиниш хоналарини БФҚни ишлаб чиқариш корхоналарининг ишлаб чиқариш, омборхоналари, маъмурият хоналари, овқатланиш жойлари, тиббиёт хоналари устида вертикал жойлашишига йўл қўйилмайди.

65. Ҳожатхоналар:

иситилган ва оқова сув тизимига эга бўлиши;

стационар аралаштиргич орқали келадиган иссиқ ва совуқ сувли раковиналар билан жиҳозланиши;

суюқ совунли дозатор ва қўлларга ишлов бериш учун антисептик, шунингдек бир марталик сочиқ ёки электр сочиқлар билан таъминланиши керак.

66. БФҚни ишлаб чиқариш корхоналарининг маиший хоналари ҳар куни ишдан кейин тозаланиши, поллар ва инвентарлар совунли-ишқорли эритма ва иссиқ сув билан ювилиши, кийим сақлаш хоналаридаги жавонлар (шкафлар) ҳар куни нам усул билан тозаланиши ва ҳафтада камида бир марта дезинфекция воситалари билан ишлов берилиши керак.

67. Ҳожатхоналарни йиғиштириш ва дезинфекциялаш учун тегишли белгилари ёки ажралиб турувчи тамғалари бор махсус инвентарь ва махсус кийим ажратилган бўлиши зарур.

68. Овқатланиш жойлари маиший бинолар таркибида ёки алоҳида биноларда жойлаштирилиши мумкин.

Овқатланиш жойларидаги ўриндиқлар сони БФҚни ишлаб чиқариш корхонасининг энг кўп сонли сменасидаги ходимлар сонига мувофиқ бўлиши лозим.

69. Овқатланиш жойларининг кириш қисмида:

ходимларнинг санитария кийимлари учун кийим илгичлар (овқатланиш жойларидаги ўриндиқлар сонига мос равишда);

қўл ювиш учун иссиқ ва совуқ сувли раковиналар;

суюқ совунли дозатор;

бир маротабалик сочиқлар ёки электр сочиқлар бўлиши керак.

70. БФҚни ишлаб чиқариш корхоналарида ошхона мавжуд бўлмаганда, ходимлар таом тановул қиладиган алоҳида хона ташкил этилиши лозим.

6-боб. БФҚни ишлаб чиқариш корхоналарининг асбоб-ускуна ва жиҳозларига ҳамда технологик жараёнига қўйиладиган талаблар

71. Ускуналар, идишлар ва қадоқлаш материаллари махсус белгиланган хоналарда сақланиши керак.

72. Ускуналарни жойлаштиришда қуйидагилар амалга оширилиши лозим:

БФҚни ишлаб чиқариш корхоналарининг ускуналар ўрнатиладиган биноларини тозалаш, ускуналарни ювиш ва дезинфекция қилиш;

ускуналар ишлаб чиқариш жараёнлари кетма-кетлигида жойлашган бўлиши ва бир-бирига халақит бермаслиги, шунингдек таъмирлаш ишларини олиб боришда бошқа ускуналарга салбий таъсир кўрсатмаслик чораларини кўриш.

73. Ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнини амалга оширишда қуйидагиларни таъминлаш зарур:

технологик жараённинг оқимида ишлаб чиқаришнинг турли босқичларида олинадиган БФҚнинг бир-бири билан кесишмаслигини;

БФҚни ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида уларнинг ифлосланмаслигини;

технологик ускуналарнинг авариясиз ишлашини.

БФҚнинг тайёр маҳсулотлари, хомашёси, ишлаб чиқариш чиқиндиларидан алоҳида бўлиши керак.

74. БФҚ ишлаб чиқаришда ишлатиладиган ускуналар, инвентарлар, таралар хавфсиз материаллардан тайёрланиши керак.

БФҚни ишлаб чиқаришда эмали шикастланган сирланган идишлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

75. Ферментёрлар, автоклавлар, термостатлар ва бошқа асбоб-ускуналар БФҚ-пробиотиклар ишлаб чиқаришда қайд этувчи қурилмалар билан таъминланган бўлиши керак.

Ускуналар, таралар ва инвентарлар мақсадига кўра тамғаланган ва тоза бўлиши лозим.

76. БФҚни ишлаб чиқариш корхоналарининг биноларидаги таралар ва ташувчи ускуналар ҳар бир хомашё турларига кўра турли рангларда тамғаланиши керак.

77. Хавф-хатарларнинг олдини олиш мақсадида қадоқлаш материаллари БФҚни ифлосланиш хавфини юзага келтирмайдиган ҳолда сақланиши керак.

78. Автоклавлар, узлуксиз стерилизаторлар ва бошқа стерилловчи қурилмалар зарарсизлантириш режимларини тартибга солиш ва бошқариш ҳароратини белгиловчи қурилмалар ёки автоматик тизимлар билан жиҳозланиши лозим.

79. БФҚни ишлаб чиқаришда технологик жараённинг барча босқичларида хомашё, материаллар ва ярим тайёр маҳсулотларни сақлаш учун ёғоч идишлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

80. Суюқ шаклдаги БФҚ ва сироп маҳсулотларини ўтказиш учун мўлжалланган шланглар ифлосланиш, намланиш ва механик шикастланишнинг олдини олувчи шароитда, пол сатҳидан баланд жойлаштирилган махсус тутқичлар, илгаклар ёки бошқа мосламаларда сақланиши лозим.

Уларнинг маҳсулот билан алоқа қилувчи учлари герметик ёпиладиган ҳимоя воситалари билан таъминланган бўлиши керак.

Бунда шлангларни ходимлар ҳаракатланадиган, транспорт ёки жиҳозлар олиб ўтиладиган жойларда полга қўйишга йўл қўйилмайди.

81. Санитария ишлови берилгандан сўнг ускуналарнинг ечиб олинадиган қисмлари (деталлари), инвентарлар, идишлар қуритилиши ва полдан $0{,}5 - 0{,}7$ m дан кам бўлмаган токчаларда сақланиши керак.

82. Ювиш ва дезинфекцияловчи эритмаларни тайёрлаш махсус белгиланган хонада (хоналарда) марказлашган ҳолда амалга оширилиши керак.

Дезинфекцияловчи моддаларнинг миқдори ишлаб чиқариш объектларига смена эҳтиёжидан ошмайдиган даражада етказиб берилиши лозим.

83. Ювиш ва дезинфекциялаш воситалари махсус белгиланган хонада ёки махсус жавонларда (шкафлар) сақланиши керак.

84. Гидротранспортёрлар кунига камида бир марта хомашё қолдиқларидан тозаланиши ва сув билан ювилиши лозим.

85. Транспортёр ленталарининг тахтаси, стол юзалари ифлосланиш даражасига кўра қайноқ сув, қўллаш учун рухсат берилган ва уларни қўллаш бўйича йўриқномага асосан ювиш воситалари билан доимий механик равишда тозаланиши ва ювилиши керак.

86. БФҚ ишлаб чиқариш корхонаси ускуналарига санитария ишлов беришда ходимлар махсус кийим-бош, шахсий ҳимоя воситалари, шунингдек жароҳатланиш ҳолатларида биринчи ёрдам кўрсатиш учун зарур воситалар билан таъминланган бўлиши лозим.

Иш якунида махсус кийимларни ювиш керак.

87. Технологик катта сиғимли идишларга қўлда санитария ишлов беришда ходимлар алоҳида махсус кийим-бош, махсус инвентарь ва резина гиламчалар билан таъминланиши зарур. Ушбу буюмлар махсус ажратилган жавонларда (шкафлар) сақланиши лозим. Иш тугагач, улар ювилиши, дезинфекция қилиниши ва қуритилиши керак.

88. Хавф-хатарларнинг олдини олиш мақсадида ускунани таъмирлашда бегона буюмлар ёки зарарли моддаларнинг БФҚга тушишига йўл қўймаслик керак.

89. Таъмирлаш ишлари якунланганидан сўнг асбоб-ускуналарни фойдаланишга топширишга фақат уларга санитария ишлови берилганидан кейин рухсат этилади.

7-боб. БФҚни ишлаб чиқаришга қўйиладиган талаблар

1-§. БФҚ ишлаб чиқаришда ходимларнинг шахсий гигиенасига қўйиладиган талаблар

90. БФҚни ишлаб чиқариш корхоналарининг ходимлари қуйидагиларга риоя қилиши лозим:

тоза ва соз ҳолатдаги махсус кийим ҳамда шахсий ҳимоя воситаларидан белгиланган мақсадга мувофиқ фойдаланиш;

қўлларни ювиш, дезинфекция қилиш ва зарурат бўлганда қўлқоплардан фойдаланиш;

сочларни тўлиқ ёпиб турадиган бош кийим кийиш, зарурат бўлганда эса соқол ва мўйлов учун мўлжалланган тўрлардан фойдаланиш.

91. БФҚни ишлаб чиқариш корхоналарининг ходимларига қуйидагилар тақиқланади:

ифлосланган, шикастланган махсус кийимда ишлаб чиқариш зоналарига кириш ва ишлаш;

жисмоний ифлослантириш манбаи бўлиши ёки шахсий гигиена талабларига риоя этишга тўсқинлик қилиши мумкин бўлган тақинчоқлар, соатлар, пирсинглар ва бошқа буюмларни тақиб юриш;

шахсий буюмларни ишлаб чиқариш хоналари ва омборхоналарда сақлаш;

ишлаб чиқариш сиғимлари, инвентарлар ва асбоб-ускуналардан белгиланган вазифасидан ташқари мақсадларда фойдаланиш;

ишлаб чиқариш зоналарида овқатланиш, чекиш, ичимлик истеъмол қилиш ҳамда технологик жараёнга алоқадор бўлмаган бошқа ҳаракатларни амалга ошириш.

92. Юқумли касалликлар, терининг йирингли шикастланишлари, ошқозон-ичак касалликлари, шунингдек маҳсулотларни ифлослантириши мумкин бўлган бошқа ҳолатлар белгилари мавжуд бўлган шахсларни очиқ маҳсулот муомаласи зоналарида ишлашга жалб этишга йўл қўйилмайди.

Уларни ишга киритиш ва ишдан четлатиш тартиби тиббий хулосалар, тиббий тавсиялар ҳамда операторнинг ички тартиб-қоидалари асосида белгиланади.

93. БФҚни ишлаб чиқариш корхоналарининг ходимлари Ходимлар тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 2387, 2012 йил 29 август) мувофиқ тиббий кўрикдан ўтишлари керак.

2-§. Чиқиндиларни бошқаришга қўйиладиган талаблар

94. Ишлаб чиқариш ва маиший чиқиндилар ишлаб чиқариш хоналари ҳамда омборхоналардан ўз вақтида чиқариб ташланиши лозим.

Чиқиндиларнинг очиқ маҳсулот муомаласи амалга ошириладиган зоналарда тўпланишига йўл қўйилмайди.

95. Чиқиндиларни тўплаш учун қопқоғи зич ёпиладиган, осон ювиладиган, зарурат бўлганда дезинфекция қилинадиган ва чиқинди турлари бўйича аниқ тамғаланган контейнерлар қўлланилиши лозим.

96. Чиқиндиларни вақтинча сақлаш жойлари ишлаб чиқариш зоналаридан алоҳидалаштирилиши ҳамда зараркунандаларни жалб этмайдиган, шунингдек қайта ифлосланиш хавфини келтириб чиқармайдиган тарзда ташкил этилиши лозим.

3-§. БФҚ хомашёси ва ингредиентларига ҳамда уларни қабул қилишга қўйиладиган талаблар

97. БФҚ таркибида фақат Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ озиқ-овқат маҳсулотларида ва (ёки) БФҚда қўлланилишига рухсат этилган ингредиентлардан фойдаланилишига йўл қўйилади. Бунда ингредиентлар идентификация, тозалик, фаоллик (зарур бўлганда), аралашмалар даражаси, UL ҳамда мазкур санитария қоидалари талабларига мувофиқ бўлиши зарур.

98. БФҚ ишлаб чиқаришда қўлланиладиган хомашё ва ингредиентлар қуйидаги тоифаларга бўлинади:

нутриентлар, шу жумладан витаминлар, минерал моддалар, аминокислоталар, ёғ кислоталари ва бошқа озиқавий моддалар;

ўсимлик, ҳайвонот, денгиз, қўзиқорин ва микробиологик келиб чиқишга эга ингредиентлар, шу жумладан пробиотиклар, ферментлар ва бошқа биологик фаол компонентлар;

функционал ингредиентлар, шу жумладан экстрактлар, концентратлар, биофлавоноидлар, каротиноидлар ва бошқа биологик фаол бирикмалар;

ёрдамчи моддалар, шу жумладан ташувчилар, тўлдирувчилар, стабилизаторлар, антиқотиш (антислеживающие) моддалар ва бошқа технологик қўшимчалар.

99. Витаминлар бўйича уларнинг таркиби, барқарорлиги, шунингдек синтетик ва табиий шаклларга, бундай шакллар мавжуд бўлганда, хос талабларга мувофиқлиги назорат қилиниши лозим.

100. Ўсимлик ингредиентлари ботаник идентификацияси, шу жумладан хом ашёнинг номи, ўсимликнинг ишлатиладиган қисми ва лотинча номи тасдиқланган бўлиши, тозалиги таъминланган бўлиши ҳамда таркибида тақиқланган ўсимликлар, алкалоидлар ва бошқа тақиқланган моддалар мавжуд бўлмаслиги керак.

101. Ферментлар микробиологик, ўсимлик ёки ҳайвонот манбасидан олинганлиги тасдиқланган, шунингдек фаоллиги ва тозалиги бўйича ихтисослигига эга бўлиши лозим.

102. Ёрдамчи моддалардан фақат уларни озиқ-овқат маҳсулотларида қўллаш норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ рухсат этилганда фойдаланилишига йўл қўйилади.

4-§. БФҚнинг тайёр маҳсулотига қўйиладиган микробиологик талаблар

103. БФҚларнинг микробиологик кўрсаткичлари “Озиқ-овқат маҳсулотларининг микробиологик кўрсаткичлари бўйича санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари”га (ҳисоб рақами 386, 2026 йил 4 февраль) мувофиқ бўлиши лозим.

104. Таркибида пробиотиклар бўлган БФҚда қуйидаги кўрсаткичлар бўйича назорат ўтказилиши лозим:

пробиотик микроорганизмларнинг штамм даражасида тўғри идентификация қилинганлиги ва уларнинг миқдори эълон қилинган кўрсаткичларга мувофиқлиги;

бегона микрофлора миқдорининг белгиланган рухсат этилган даражадан ошмаслиги;

патоген микроорганизмлар, шу жумладан Salmonella spp. ва маҳсулот хусусиятига кўра назорат қилиниши лозим бўлган бошқа патогенлар мавжуд эмаслиги;

токсин ҳосил қилиш хусусиятлари, антибиотикларга чидамлилик ҳамда номақбул чидамлилик генлари мавжуд эмаслиги.

5-§. Хомашё ва ингредиентларга қўйиладиган микробиологик талаблар

105. БФҚ таркибида фойдаланиш тақиқланган ва чекланган моддалар рўйхати мазкур санитария қоидаларининг 1-иловасида келтирилган.

106. БФҚ учун фойдаланилишига йўл қўйиладиган (рухсат этилиши мумкин бўлган) витамин ва минераллар манбалари рўйхати мазкур санитария қоидаларининг 2-иловасида келтирилган.

107. Озиқ моддаларнинг мос ёзувлар қийматлари ва юқори толерантлик даражалари мазкур санитария қоидаларининг 3-иловасида келтирилган.

8-боб. Контаминантлар, пестицидлар қолдиқ миқдорлари ва ветеринария препаратлари таркибига қўйиладиган талаблар

108. БФҚ таркибидаги контаминантлар миқдори “Озиқ-овқат маҳсулотлари ва озуқани ифлослантирувчи айрим моддаларнинг рухсат этилган максимал даражаларига доир санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига (0095-25-сон СанҚваН) (ҳисоб рақами 365, 2025 йил 4 август) мувофиқ бўлиши керак.

109. Ўсимликлардан олинган БФҚда пестицидларнинг қолдиқ миқдорлари “Озиқ-овқат маҳсулотлари ва озуқаларда пестицидларнинг қолдиқ миқдорлари бўйича санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига (0094-25-сон СанҚваН) (ҳисоб рақами 357, 2025 йил 1 июль) мувофиқ бўлиши лозим.

110. Ҳайвонот манбасидан олинган БФҚда ветеринария препаратларининг қолдиқ миқдорлари “Келиб чиқиши ҳайвонот дунёсига мансуб озиқ-овқат маҳсулотларида ветеринария дори воситалари қолдиқ миқдорларининг рухсат этилган максимал даражаларига доир санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига (0099-25-сон СанҚваН)” (ҳисоб рақами 363, 2025 йил 30 июль) мувофиқ бўлиши зарур.

9-боб. Алоҳида тоифадаги БФҚларга қўйиладиган махсус талаблар

111. Ўсимлик хомашёсидан (ботаник) тайёрланган БФҚ учун ўсимликнинг лотинча номи ҳамда таркибида қўлланилган ўсимлик қисми кўрсатилиши лозим.

112. Алоҳида мақсадли фойдаланиладиган БФҚ гуруҳларига нисбатан (масалан, “тана вазнини назорат қилиш учун”, “бўғимларни қўллаб-қувватлаш учун”) ишлатиладиган таърифларда даволаш хусусиятини англатувчи ёки шундай мазмунда талқин қилиниши мумкин бўлган ибораларга йўл қўйилмайди.

113. БФҚ таркиби, шу жумладан барча ингредиентлар рўйхати, уларнинг миқдори камайиб бориш тартибида кўрсатилиши лозим.

Нутриентлар бўйича таркиб суткалик дозага нисбатан, зарурат бўлганда эса қабул қилиш бирлигига нисбатан ҳам кўрсатилиши лозим.

10-боб. БФҚларни ташиш ва сақлашга қўйиладиган талаблар

114. БФҚни ташиш ва сақлаш шароитлари маҳсулотнинг бутун яроқлилик муддати давомида унинг хавфсизлиги, сифати ва барқарорлиги сақланишини таъминлаши зарур.

115. БФҚни сақлаш ва ташиш шартлари қуйидагилар асосида белгиланиши ва уларга мувофиқ бўлиши лозим:

маҳсулотни ишлаб чиқарувчи ва ишлаб чиқувчи томонидан тасдиқланган спецификацияларга;

барқарорлик бўйича ўтказилган тадқиқот маълумотларига, шу жумладан мавжуд бўлган тақдирда стресс-тест натижаларига;

Ўзбекистон Республикасининг озиқ-овқат маҳсулотларини ташиш ва сақлаш хавфсизлигига доир қонунчилик ҳужжатларига.

116. БФҚларни ишлаб чиқарувчи бизнес оператори қуйидагиларга риоя қилиши лозим:

омборхоналарда ва транспорт воситаларида ҳарорат ҳамда нисбий намлик кўрсаткичларини назорат қилиш;

ҳарорат кўрсаткичлари журнали, намликни назорат қилиш журнали (зарур ҳолларда), шунингдек совутиш қурилмалари, термометрлар ва логгерларга техник хизмат кўрсатиш ҳамда уларни калибрлаш журналларини юритиш;

ўлчаш воситаларини даврий калибрлаш ва калибрлаш натижаларини расмийлаштириш.

117. БФҚларни ишлаб чиқарувчи бизнес операторлари омборхоналар ва транспорт воситаларининг зарур санитария ҳолатини таъминлаши лозим. Бунда қуйидагиларни амалга ошириши зарур:

транспорт воситаларини тозалаш ва дезинфекция қилиш;

тозалаш ва дезинфекция қилиш ишлари бўйича журналларни юритиш;

зараркунандаларга қарши кураш дастурини (пест-назорат) расмийлаштириш;

бегона жиҳозлар, чиқиндилар, очиқ кимёвий моддалар, тўкилмалар ва оқишлар мавжуд бўлишига йўл қўймаслик.

118. БФҚни ташиш учун фойдаланиладиган транспорт воситаларини аввалги юкдан қолган ҳид ва қолдиқлар мавжуд эмаслиги юзасидан кўздан кечирилиши лозим.

11-боб. БФҚни тамғалашга қўйиладиган талаблар

119. БФҚ тамғаланиши қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

БФҚнинг яроқлилик муддати давомида аниқ ўқиладиган, тушунарли ва сақланиб қоладиган ҳолатда бўлиши;

истеъмолчи учун тушунарли шаклда ифодаланган бўлиши;

ювилишга ва маҳсулот муомаласи учун одатий бўлган бошқа таъсирларга чидамли;

ювилишга, маҳсулот муомаласи жараёнида таъсирларга чидамли бўлиши.

БФҚ тамғаланиши давлат тилида амалга оширилиши, бунда ахборот мазмуни бузилмаган ва мажбурий маълумотларга зид келмаганда уни бошқа тилларда такрорлашга йўл қўйилади.

БФҚ тамғаланиши истеъмолчини маҳсулотнинг табиати, таркиби, озуқавий қиймати, хоссалари, қўлланиш мақсади, қўллаш шартлари ва кутилаётган таъсири хусусида чалғитмаслиги лозим.

120. БФҚнинг тамғасида уни болалар, ҳомиладор аёллар, муайян касалликларга чалинган шахслар учун мўлжалланмагани аниқ кўрсатилиши зарур.

121. Қадоқда QR-кодлар, интернет сайтларига ҳаволалар ва бошқа электрон ахборот воситалари мавжуд бўлганда, улар орқали тақдим этилган қўшимча маълумотлар тамғада кўрсатилган маълумотларга зид бўлмаслиги керак.

122. БФҚ тамғаланишида истеъмолчи учун зарур бўлган барча мажбурий маълумотлар, шу жумладан огоҳлантиришлар ва қўллашга доир чекловлар кўрсатилиши лозим. Бунда қуйидаги маълумотлар акс эттирилади:

“дори воситаси ҳисобланмайди”;

болаларнинг қўли етмайдиган жойда сақлаш зарурлиги тўғрисида огоҳлантириш;

зарур ҳолларда индивидуал қабул қилиш мумкин эмаслиги ёки қўллаш хусусиятлари тўғрисида огоҳлантириш (ҳомиладорлик, лактация даври, сурункали касалликлар мавжуд бўлган ҳолатларда);

маҳсулотни узоқ муддат қабул қилишда, юқори дозаларда қўллашда ёки махсус ингредиентлар мавжуд бўлганда эҳтимолий хавфлар мавжуд бўлса, хавфни ва мавжуд илмий маълумотларни баҳолаш натижаларига асосланган қўшимча огоҳлантиришлар.

Биологик фаол қўшимчаларни ишлаб чиқариш
корхоналарига, шунингдек биологик фаол
қўшимчаларнинг ишлаб чиқарилиши, хавфсизлиги
ва муомаласига доир санитария қоидалари, нормалари
ва гигиена нормативларини (0110-26-сон СанҚваН)
1-ИЛОВА

Биологик фаол қўшимчалар таркибида фойдаланиш тақиқланган ва чекланган моддалар
РЎЙХАТИ

1. Дори воситалари ва фаол фармацевтик субстансиялар:

гормонал препаратлар (эстрогенлар, андрогенлар, уларнинг ҳосилалари ва бошқалар);

стереоид гормонлар ва уларнинг аналоглари;

марказий асаб тизими стимуляторлари ва доривор аноректиклар;

фосфодиестераза-5 ингибиторлари (PDE5);

кардиотроп дори моддалари;

аналгетиклар ва ностероид яллиғланишга қарши воситалар;

антибиотиклар ва микробларга қарши дори препаратлари;

антидепрессантлар, анксиолитиклар, седатив дори воситалари;

озиқ-овқат компонентларига мансуб бўлмаган ҳар қандай бошқа дори моддалари.

2. Гиёҳвандлик ва психотроп моддалар:

Ўзбекистон Республикасининг гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар расмий рўйхатларига киритилган моддалар;

сунъий каннабиноидлар.

3. Δ9-тетрагидроканнабинол (ТҲС) ва наркотик таъсирга эга маҳсулотлар:

Δ9-тетрагидроканнабинол (ТҲС) ҳар қандай шаклда;

каннабис (канопля) ва унинг смолалари (озиқ-овқат мақсадларида қўлланилишига тўғридан-тўғри рухсат этилган ҳоллар бундан мустасно);

таркибида ТҲС миқдори озиқ-овқат маҳсулотлари учун миллий белгиланган чегаравий қийматлардан юқори бўлган экстрактлар, мойлар ва бошқа маҳсулотлар.

4. Заҳарли моддалар ва саноат кимёвий моддалари:

озиқ-овқат маҳсулотлари учун мўлжалланмаган саноат кимёвий моддалари ва технологик реагентлар;

озиқ-овқат маҳсулотларида қўллаш тақиқланган ёки чекланган рўйхатларга киритилган заҳарли моддалар;

канцероген, мутаген ёки репротоксик фаоллиги аниқланган, озиқ-овқат маҳсулотларида қўллаш рухсат этилмаган моддалар.

5. Идентификатсия қилинмаган ёки заҳарли келиб чиқиши ўсимликка мансуб бўлган қисмлари:

ўсимликнинг ботаник тури ва фойдаланилган қисми аниқ кўрсатилмаган ўсимлик аралашмалари ва экстрактлари;

одатдаги истеъмол шароитида инсон учун заҳарли ёки токсик деб эътироф этилган ўсимлик компонентлари;

озиқ-овқат маҳсулоти ёки БФҚ таркибида қўлланилиши миллий рўйхатлар билан тақиқланган ўсимлик ингредиентлари.

6. Хавфсиз деб тан олинмаган тирик микроорганизмлар:

озиқ-овқат маҳсулотларида қўллаш учун рухсат этилмаган генетик модификацияланган микроорганизмлар;

патоген микроорганизмлар ва уларнинг токсиген вариантлари, шу жумладан токсин ишлаб чиқарадиган ёки патогенлик омилларига эга бўлган штаммлар.

Изоҳ:

витаминлар, минераллар, аминокислоталар ҳамда дори воситалари таркибида ҳам қўлланилиши мумкин бўлган бошқа озуқа моддаларидан фақат қуйидаги шартлар бир вақтнинг ўзида бажарилганда, фойдаланилишига йўл қўйилади:

ингредиент озиқ-овқат маҳсулоти сифатида тан олинган бўлиши ва озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда (ёки) БФҚ таркибида хавфсиз қўлланиш тарихига эга бўлиши;

қўлланиладиган дозалар ва қабул қилиш тартиби БФҚ учун белгиланган хавфсизлик талабларига мувофиқ бўлиши;

маҳсулот тамғаси ва рекламасида касалликларни даволаш, олдини олиш ёки тузатишга оид баёнотлар мавжуд бўлмаслиги.

Биологик фаол қўшимчаларни ишлаб чиқариш
корхоналарига, шунингдек биологик фаол
қўшимчаларнинг ишлаб чиқарилиши, хавфсизлиги
ва муомаласига доир санитария қоидалари, нормалари
ва гигиена нормативларини
(0110-26-сон СанҚваН)
2-ИЛОВА

БФҚ учун фойдаланилишига йўл қўйиладиган (рухсат этилиши мумкин бўлган) витамин ва минераллар манбалари

Витаминлар шакллари:

витамин A: ретинол, ретинил ацетат, ретинил пальмитат, β-каротин;

витамин D: холекальциферол (витамин D3), эргокальциферол (витамин D2), калсидиол моногидрат;

витамин E: D-α-токоферол, DL-α-токоферол, D-α-токоферил ацетат, DL-α-токоферил ацетат, D-α-токоферил кислота сукцинати, токофероллар аралашмаси, токотриеноллар ва токофероллар аралашмаси;

витамин K: филлохинон (фитоменадион, витамин K1), менахинон (витамин K2);

витамин B1: тиамин гидрохлориди, тиамин мононитрати, тиамин монофосфат хлориди, тиамин пирофосфат хлориди;

витамин B2: рибофлавин; рибофлавин-5′-фосфат натрий;

ниацин: никотин кислотаси, никотинамид, инозитол гексацинат (инозитол гексаникотинат), никотинамид рибозид хлориди;

пантотен кислотаси: кальций D-пантотенати, натрий D-пантотенати; декспантенол, пантетин;

витамин B6: пиридоксин гидрохлориди, пиридоксин-5′-фосфат, пиридоксал-5′-фосфат;

фолатлар: птероилмоноглутамин кислотаси (фолий кислотаси), кальций L-метилфолат (L-5-MTHF, кальций тузи), (6S)-5-метилтетрагидрофолий кислотаси, глюкозамин тузи;

витамин B12: цианокобаламин, гидроксокобаламин, 5′-дезоксиаденозилкобаламин (аденозилкобаламин), метилкобаламин;

биотин: D-биотин;

витамин C: L-аскорбин кислотаси, натрий L-аскорбат, кальций L-аскорбат, калий L-аскорбат, L-аскорбил-6-пальмитат, магний L-аскорбат, рух L-аскорбат.

Минералларнинг шакллари:

кальций: кальций ацетати, кальций L-аскорбати, кальций бисглицинати, кальций карбонати, кальций хлориди, кальций цитрат-малати, кальций лимон кислотаси тузлари, кальций глюконати, кальций глицерофосфати, кальций лактати, кальций пирувати, кальций ортофосфатлари, кальций сукцинати, кальций гидроксиди, кальций L-лизинати, кальций малати, кальций оксиди, кальций L-пидолати, кальций L-треонати, кальций сульфати, кальцийнинг фосфорилланган олигосахаридлари;

магний: магний ацетати, магний L-аскорбати, магний бисглицинати, магний карбонати, магний хлориди, магний цитрат-малати, магний лимон кислотаси тузлари,

магний глюконати, магний глицерофосфати, магний ортофосфатлари, магний лактати, магний L-лизинати, магний гидроксиди, магний малати, магний оксиди, магний L-пидолати, магний-калий цитрати, магний пирувати, магний сукцинати, магний сульфати, магний тауринати, магний ацетилтауринати;

темир: темир(II) карбонати, темир(II) цитрати, темир(III) аммоний цитрати, темир(II) глюконати, темир(II) фумарати, темир(III) динатрий дифосфати, темир(II) лактати, темир(II) сульфати, темир(III) дифосфати (пирофосфати), темир(III) сахарати, элементар темир (карбонил, электролитик, водород билан тикланган), темир(II) бисглицинати, темир(II) L-пидолати, темир(II) фосфати, темир(II) аммоний фосфати, темир(III) натрий ЭДТА тузи (NaFeEDTA), темир(III) гидроксиди адипат-тартрати (нано шакл), темир казеинати (сутли), темир(II) тауринати;

мис: мис(II) карбонати, мис(II) цитрати, мис(II) глюконати, мис(II) сульфати, мис L-аспартати, мис бисглицинати, миснинг лизин билан комплекси, мис(II) оксиди;

йод: натрий йодиди, натрий йодати, калий йодиди, калий йодати;

рух: рух ацетати, рух L-аскорбати, рух L-аспартати, рух бисглицинати, рух хлориди, рух цитрати, рух глюконати, рух лактати, рух L-лизинати, рух малати, рух моно-L-метионинат сульфати, рух оксиди, рух карбонати, рух L-пидолати, рух пиколинати, рух сульфати;

марганец: марганец аскорбати, марганец L-аспартати, марганец бисглицинати, марганец карбонати, марганец хлориди, марганец цитрати, марганец глюконати, марганец глицерофосфати, марганец пидолати, марганец сульфати;

натрий: натрий гидрокарбонати (бикарбонат), натрий карбонати, натрий хлориди, натрий цитрати, натрий глюконати, натрий лактати, натрий гидроксиди, натрий ортофосфатлари, натрий сульфати;

калий: калий сульфати, калий гидрокарбонати (бикарбонат), калий карбонати, калий хлориди, калий цитрати, калий глюконати, калий глицерофосфати; калий лактати, калий гидроксиди, калий L-пидолати, калий малати, калий ортофосфатлари;

селен: L-селенометионин, селен билан бойитилган ачитқилар, селенист кислота, натрий селенати, натрий гидроселенити, натрий селенити;

хром: хром(III) хлориди, хром билан бойитилган ачитқилар, хром(III) лактати тригидрати, хром нитрати, хром пиколинати, хром(III) сульфати;

молибден: аммоний молибдати (молибден(VI)), калий молибдати (молибден(VI)), натрий молибдати (молибден(VI));

Фтор: кальций фториди, калий фториди, натрий фториди, натрий монофторфосфати;

бор: бор кислотаси, натрий борати;

кремний: холин билан стабилланган ортокремний кислотаси, кремний диоксиди, кремний кислотаси, органик кремний (монометилсилантриол).

Изоҳ:

Токофероллар ва токотриенолларнинг хавфсизлик ҳамда тозалик кўрсаткичлари бўйича белгиланган талабларга мувофиқ бўлган одатий аралашмалари ва фракцияларидан Е витамини манбаи сифатида фойдаланишга йўл қўйилади;

Кальций L-аскорбат таркибида йўлдош компонент сифатида 2 фоизгача кальций треонатнинг мавжуд бўлишига йўл қўйилади.

Биологик фаол қўшимчаларни ишлаб чиқариш корхоналарига, шунингдек биологик фаол қўшимчаларнинг ишлаб чиқарилиши, хавфсизлиги ва муомаласига доир санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларини (0110-26-сон СанҚваН) 3-ИЛОВА

Озиқ моддаларнинг мос ёзувлар қийматлари ва юқори толерантлик даражалари

1. Нутриентларнинг референс қийматлари (бундан буён матнда НРҚ деб юритилади) қуйидаги мақсадларда қўлланилади:

биологик фаол қўшимчаларни (бундан буён матнда БФҚ деб юритилади) тамғалашда нутриент миқдорининг фоизини ҳисоблашда;

истеъмолчига маълумот беришда.

НРҚ алоҳида истеъмолчининг индивидуал эҳтиёжларини баҳолаш учун мўлжалланмайди.

2. Рухсат этилган юқори истеъмол даражаси (бундан буён матнда UL деб юритилади) қуйидагилар учун қўлланилади:

БФҚ таркибини ишлаб чиқишда;

нутриентларнинг умумий кунлик тушишини баҳолашда.

UL БФҚнинг тамғасида кўрсатилмайди.

3. UL БФҚ таркибидаги нутриент учун белгиланган максимал даража ҳисобланмайди.

4. Нутриентларнинг UL дан юқори дозаларидан фойдаланишга фақат илмий маълумотлар, хавфсиз қўллашнинг тасдиқланган халқаро амалиёти ҳамда истеъмолчиларнинг мақсадли тоифаси учун бундай дозаларнинг хавфсизлигини тасдиқловчи хавфни баҳолаш натижалари мавжуд бўлган тақдирда йўл қўйилади.

5. НРҚ катталар аҳолиси учун белгиланади ва болалар, ҳомиладор аёллар, эмизикли аёллар, кексалар ҳамда бошқа шахслар учун индивидуал қиймат сифатида қўлланилмайди.

6. БФҚни тамғалашда нутриентнинг %НРҚ кўрсаткичи суткалик дозадаги нутриент миқдорини НРҚга нисбатан ҳисоблаш орқали аниқланади. БФҚнинг тамғасида нутриентнинг абсолют миқдори ва катталар аҳолиси учун % НРҚ кўрсатилиши лозим.

Витаминлар ва минералларнинг референс қийматлари (НРҚ)

Нутриент	НРҚ (катталар)	Изоҳ
Витамин А	800 µг	
Витамин Д	5 µг	= 5 мкг (≈200 ХБ)
Витамин Э	12 мг	
Витамин К	75 µг	
Витамин С	80 мг	
Тиамин (Б1)	1,1 мг	
Рибофлавин (Б2)	1,4 мг	
Ниацин (НЕ)	16 мг	ниацин эквиваленти
Витамин Б6	1,4 мг	
Фолий кислотаси	200 µг	

Витамин Б12	2,5 µг	
Биотин	50 µг	
Пантотен кислотаси	6 мг	
Калий	2000 мг	
Хлорид	800 мг	
Кальций	800 мг	
Фосфор	700 мг	
Магний	375 мг	
Темир	14 мг	
Рух	10 мг	
Мис	1 мг	
Марганец	2 мг	
Фтор	3,5 мг	ёшга доир чекловларни ҳисобга олган ҳолда
Селен	55 µг	
Хром	40 µг	
Молибден	50 µг	
Йод	150 µг	

Макронутриентлар ва енергия референс қийматлари (НРҚ)

Кўрсаткич	Референс қиймат (%РИ)
Энергия	8400 kJ / 2000 kkal
Ёғлар (умумий)	70 г
Тўйинган ёғлар	20 г
Углеводлар	260 г
Шакарлар	90 г
Оқсил	50 г
Туз	6 г

7. UL қуйидаги мақсадларда қўлланилади:

БФҚ таркибини ишлаб чиқишда, шу жумладан нутриентларнинг рухсат этилган максимал суткалик дозаларини баҳолашда;

нутриентларнинг умумий истеъмолини баҳолашда, шу жумладан овқатланиш рациони, БФҚ ва бойитилган маҳсулотлар орқали тушадиган умумий кунлик миқдорни ҳисоблашда.

UL қийматлари маҳсулот маркировкасида кўрсатилмайди ҳамда нутриентларнинг референс қийматлари ўрнида қўлланилмайди.

8. Витаминлар - UL ёш гуруҳлари бўйича.

Витаминлар, ёш гуруҳлари бўйича UL

Нутриент	4–6 ой	7–11 ой	1–3 ёш	4–6 ёш	7–10 ёш	11–14 ёш	15–17 ёш	Катталар	Ҳомиладорлар	Лактация
Биотин	UL белгиланмаган									
β-каротин	UL белгиланмаган									
Фолат (µг)	200	200	200	300	400	600	800	1000	1000	1000

Ниацин - никотинамид (mg) - никотин кислотаси (mg)			150 2	220 3	350 4	500 6	700 8	900 10	UL белгиланмаган UL белгиланмаган	
Пантотен кислотаси	UL белгиланмаган									
Витамин А (РЕ, μг)	600	600	800	1100	1500	2000	2600	3000	3000	3000
Витамин Б1	UL белгиланмаган									
Витамин Б12	UL белгиланмаган									
Витамин Б2	UL белгиланмаган									
Витамин Б6 (mg)	2,2	2,5	3,2	4,5	6,1	8,6	10,7	12	12	12
Витамин С (mg)	UL белгиланмаган									
Витамин Э (mg, α-ТЕ)			100	120	160	220	260	300	300	300
Витамин К	UL белгиланмаган									
Витамин Д (ВДЕ, μг)	25	35	50	50	50	100	100	100	100	100

Изоҳ:

РЕ — ретинол эквивалентлари;

ВДЕ — витамин D эквивалентлари.

Фолат учун UL озиқ-овқат маҳсулотлари ва БФҚ таркибига қўшилган фолий кислотаси, (6S)-5-метилтетрагидрофолий кислотасининг глюкозамин тузи ҳамда L-5-метилтетрагидрофолатнинг кальций тузи умумий истеъмолига нисбатан қўлланилади. Табиий озиқ-овқат фолатлари ушбу ҳисобга киритилмайди.

1 мкг ВДЕ 1 мкг холекальциферол (витамин D_3), 1 мкг эргокальциферол (витамин D_2), 0,4 мкг калсидиол моногидрати ёки 40 ИУга тенг.

Чекувчиларга β-каротин сақловчи қўшимчаларни истеъмол қилиш тавсия этилмайди.

Витамин В6 учун катталарга нисбатан UL EFSAнинг 2023 йилги янгиланган хулосасига мувофиқ суткасига 12 мг этиб белгиланган.

Минераллар, ёш гуруҳлари бўйича UL

Нутриент	4–6 ой	7–11 ой	1–3 ёш	4–6 ёш	7–10 ёш	11–14 ёш	15–17 ёш	Катталар	Ҳомиладорлар	Лактатсия
Бор (mg)			3	4	5	7	9	10	10	10
Кальций (mg)	UL белгиланмаган							2500	2500	2500
Хлорид	UL белгиланмаган									
Хром	UL белгиланмаган									
Мис (mg)			1	2	3	4	4	5	UL белгиланмаган	
Йод (µг)			200	250	300	450	500	600	600	600
Темир (mg)	5	5	10	15	20	30	35	40	40	40
Марганец (mg)	2	2	4	5	6	6	7	8	8	8
Магний (mg)			белгиланмаган	250	250	250	250	250	250	250
Молибден (µг)			0,1	0,2	0,25	0,4	0,5	0,6	0,6	0,6
Никел	UL белгиланмаган									
Фосфор	UL белгиланмаган									
Калий	UL белгиланмаган									
Селен (µг)	45	55	70	95	130	180	230	255	255	255
Кремний	UL белгиланмаган									
Натрий	UL белгиланмаган									
Қалай	UL белгиланмаган									
Ванадий	UL белгиланмаган									
Рух (mg)			7	10	13	18	22	25	25	25
Фторид (mg)	1,0	1,0	1,6	2,0	3,3	3,3	3,3	3,3	3,3	3,3

Изоҳ.

Магний: UL фақат қўшимчалардаги магний ва осон диссоциацияланувчи тузларга нисбатан қўлланилади, оддий рациондаги магнийни ўз ичига олмайди. Темир (Fe), марганец (Mn) ва фторид (F) учун келтирилган қийматлар “хавфсиз даражалар” деб ҳисобланади ва UL ҳисобланмайди, бироқ улар максимал рухсат этилган умумий юкламани ҳисоблашда қўлланилади.

Болалар учун UL EFSA томонидан тана вазни ва ёшга доир тахминлар асосида ҳисобланади.

Бошқа нутриентлар

Нутриент	Изоҳ
Ёғлар (умумий)	Ёш гуруҳлари бўйича UL белгиланмаган
Тўйинган ёғлар	Ёш гуруҳлари бўйича UL белгиланмаган
Оқсил	Ёш гуруҳлари бўйича UL белгиланмаган
ДҲА, ЭПА, ДПА (омега-3 ёғ кислоталари)	Ёш гуруҳлари бўйича UL белгиланмаган
Шакар	Ёш гуруҳлари бўйича UL белгиланмаган

Изоҳ:

ДҲА – докозагексаен кислотаси; ЭПА – эйкозапентаен кислотаси; ДПА – докозапентаен кислотаси.

НРҚ ва UL нинг БФҚларни ишлаб чиқиш ва баҳолашда қўлланилиши.

8. БФҚ таркибларини ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқишда бизнес оператор БФҚ ни тамғалашда %НРҚни тўғри ҳисоблаш ва кўрсатиш учун НРҚдан фойдаланиши, шунингдек нутриентнинг максимал рухсат этилган суткалик дозасини белгилашда ULни ҳисобга олиши зарур.